

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.08/2025.27.12.Qx.02.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ХАМДАМОВА БАРНО ТАЖИДИН ҚИЗИ

**ТРИТИКАЛЕ СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАР
ЯРАТИШ, КОЛЛЕКЦИОН НАВ НАМУНАЛАРИДАН ТАНЛАШ ВА
ЖОРИЙ ЭТИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори ((PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Хамдамова Барно Тажидин қизи

Тритикале селекцияси учун бошланғич манбалар яратиш,
коллекцион нав намуналаридан танлаш ва жорий этиш..... 3

Хамдамова Барно Тажидин қизи

Создание исходного материала для селекции тритикале, отбор из
коллекционных сортообразцов и внедрение..... 21

Xamdamova Barno Tajidin qizi

Creation of source material for triticales breeding, selection from collection
variety samples and implementation..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.08/2025.27.12.Qx.02.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ХАМДАМОВА БАРНО ТАЖИДИН ҚИЗИ

**ТРИТИКАЛЕ СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАР
ЯРАТИШ, КОЛЛЕКЦИОН НАВ НАМУНАЛАРИДАН ТАНЛАШ ВА
ЖОРИЙ ЭТИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Qx1520 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (rezyume) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Эгамов Илхомжон Ураимжонович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Жўраев Сирожиддин Турдикулович биология фанлари доктори, профессор Зиядуллаев Зоҳиджон Файзуллаевич кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.08/2025.27.12.Qx.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 20 август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй, Тел.: (+99871) 260-48-00; Факс: (+99871) 260-38-60; E-mail: tuag_info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-кават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№556756 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2026 йил 4 августда тарқатилди.
(2026 йил 4-августдаги 21-рақамли реестр баённомаси)



С.Г.Бобоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

А.А.Қурбонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент

А.А.Иминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда тритикале келажак экинлари бири сифатида баҳоланмоқда. FAOSTAT маълумотларига кўра, ҳозирда “дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида йилига 4,9 млн. гектар майдонга тритикале экилиб, умумий ҳисобда 13,5 млн. тоннадан ортиқ дон ҳосили етиштириб келинмоқда. Жаҳонда энг катта майдонда тритикале етиштирувчи мамлакат Полша ҳисобланиб, ялпи ҳосил 5,2 млн тоннани ташкил қилади ва бу ер юзида етиштирилаётган умумий ҳосилнинг 31% ига тўғри келади”¹. Умуман олганда, Польша, Германия, Франция, Белоруссия ва Испания давлатлари тритикале етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринларда турсада, аммо гектар ҳисобидан юқори дон ҳосили етиштириш Хитой ва Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Статистик маълумотларга кўра, “2023 йилда дунёда тритикале етиштириш 2020 йилга нисбатан 2,64 фоизга ошган”². Бундан кўриш мумкинки, дунё аҳолисини тритикале донидан тайёрланган маҳсулотларига бўлган талаби барқарор ўсиб бормоқда. Шу боисдан, тритикаленинг ҳосилдор, дон сифат кўрсаткичлари юқори янги авлод навларини яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда ҳар бир минтақа учун мос навларни танлаш селекционер олимлар учун бугунги кундаги долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ғаллачилик илм-фани ва амалиётида катта ютуқларга эришилиб келинаётганига қарамасдан дунё аҳолиси ҳамда чорва ҳайвонларининг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш масаласи ханузгача муаммолигича қолмоқда. ФАО маълумотларига кўра, “дунё аҳолисининг 2024-2025 йил мавсумида дон маҳсулотларига бўлган талаби аввалги йилга нисбатан 1,2 млн.тоннага ёки 0,4 фоизга ошди”³. Дунёда аҳоли сони ва озиқ-овқат саноати эҳтиёжлари ортиб бораётган бир пайтда, бу талабни буғдой билан бир қаторда тритикале донидан фойдаланиб ҳам қондириш мақбул ечимлардан биридир. Бу эса ушбу экин майдонларини кенгайтириш, юқори ҳосилли навларини кўпайтириш, шу жумладан тадқиқотларни ривожлантириш заруратини кучайтирмоқда. Шу нуқтаи назардан, тритикаленинг турли абиотик омилларга бардошли, ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори бўлган янги навларини яратиш ва жорий этиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Республикада сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ижобий ислохотлар тритикале майдонларини бирмунча кенгайтишига сабаб бўлди. Суғориладиган майдонларнинг 12 минг гектарида, лалми майдонларнинг 15 минг гектарида тритикале етиштирилиб, мос равишда ўртача 55-60 ц/га ва 10-12 ц/га ва ундан юқори ҳосил олинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

¹ <https://www.fao.org>

² <https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru>

³ <https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru>

ПФ-5853-сон фармони⁴да “қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тартибини қайта кўриб чиқиш ва етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллаш” бўйича қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида бир қатор вазифалар белгилаб берилган бўлиб, бу борада илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони⁵ ҳамда 2022 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-273-сон⁶, 2024 йил 24 июндаги “Иқлим ўзгаришига нисбатан барқарор агроэкотизимни яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларга мослашувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-233-сон⁷ қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий-тадқиқот иши республикада илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнологиялар, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тритикале селекцияси учун бошланғич манбалар яратиш, интродукцион навларини танлаш йўналишда хорижий олимлардан А.Медведев, В.Ковтуненко, В.Трипутин, В.Рубец, А.Грабовец, А.Крохмал, Л.Груздев, К.Зенкина, Н.Новиков, Т.Горянина, Э.Шаболкина, Н.Шпилев, Л.Лебедько, С.Шепелевлар кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришган.

Республикада Р.Сиддиқов, И.Эгамов, З.Жумабоев, О.Аманов, Х.Н.Атабоева, И.В.Массино С.К.Бобоев, Р.М.Усмонов, Х.Туракулов Р.Ш.Тиллаев, У.Д.Бабатова Д.Ёрматова, Н.Шамуратов ва бошқалар томонидан турли минтақалар ва иқлим шароитларида тритикале навларини етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ҳамда тритикале селекцияси учун бошланғич манбаларни баҳолаш, коллекцион навларини танлаш, янги навларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Аммо, Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида тритикале селекцияси учун бошланғич манбалар яратиш, коллекцион навларини танлаш, янги навларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

⁴ <https://lex.uz/docs/4567334>

⁵ <https://lex.uz/docs/5841063>

⁶ <https://lex.uz/docs/6055539>

⁷ <https://lex.uz/ru/docs/6982706>

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг 2022-2025 йилларга мўлжалланган “Бошоқли дон экинларининг глобал иқлим ўзгаришида стресс омилларга бардошли, турли тупроқ ва иқлим шароитига мос, дон ҳосили ҳамда сифати юқори маҳаллий янги навларини яратиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дон ҳосили ва сифати юқори бўлган коллекция нав намуналари асосида олинган дурагайларни баҳолаш орқали ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори бўлган бошланғич манбаларни танлаб олиш ҳамда мавжуд нав намуналар асосида тритикаленинг янги навини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти коллекциясида мавжуд бўлган 185 та турли экологик-географик гуруҳларга мансуб тритикале навлари ва жаҳон коллекция намуналарини морфобиологик, қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларини ўрганиш ва селекция жараёни учун бошланғич манбаларни танлаш;

турли экологик-географик гуруҳларга мансуб тритикале нав ва намуналарда ўзаро чатиштириш асосида яратилган дурагайларда қимматли хўжалик белги-хусусиятларининг ирсийланиш ва ўзгарувчанлигини аниқлаш;

тритикаленинг 27 та коллекцион нав ва намуналари назорат кўчатзорида навларни синаш асосида минтақалар шароитларига мос серҳосил, дон сифати юқори бўлган нав ва намуналарини танлаш;

рақобатли нав синов кўчатзорида тритикаленинг коллекцион нав ва намуналарининг унувчанлигини, ўсиш, ривожланиш фазалари, маҳсулдорлик ҳамда касалликларга чидамлилигини аниқлаш;

тритикаленинг коллекцион нав ва намуналарни биометрик, ҳосилдорлик ҳамда дон сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

янги яратилган нав ва намуналарни иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Тадқиқот объекти сифатида П.П.Луканенко номидаги “Миллий дон Маркази (Россия), Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти, ICARDA, SIMMYT халқаро илмий марказлари ҳамда Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти нав ва намуналаридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида кузги тритикаленинг коллекцион нав ва намуналари, тизмалари ва дурагай авлодларнинг ўсиш ва ривожланиши, ташқи муҳитнинг ноқулай абиотик ва биотик омилларига бардошлилиги, қимматли-хўжалик ва морфобиологик кўрсаткичларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, коррелятив боғлиқлиги, ҳосилдорлик ва доннинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий изланиш доирасида олиб борилган дала тажрибалари “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, биометрик таҳлиллар Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услуги, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари “Методические рекомендации по оценке качество зерна” услубий қўлланмалари бўйича, тадқиқот натижаларига статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов нинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида, дурагайлашда бошоқчаларни бичиш умум қабул қилинган Юрев ва бошқалар усулида ҳамда чатиштириш SIMMYT ҳалқаро марказида ишлаб чиқилган Tvell (SIMMYT) услугида оддий (Single cross) услубларидан фойдаланиб амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тритикаленинг маҳаллий ва дунё коллекциясига тегишли 185 та нав ва намуналари орасидан Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитига мос, дон ҳосили ва сифати юқори, қишга бардошли, ётиб қолишга чидамли бўлган 50 та янги нав ва намуналар танлаб олинган;

маҳаллий ва дунё коллекцияси намуналарини 18 та комбинация бўйича чатиштириш асосида тритикаленинг ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичлари юқори, ётиб қолишга чидамли, касалликларга бардошли 16 та дурагай олинган;

дон таркибидаги оқсил миқдори юқори, қишга ва сариқ зангга бардошли, ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича андоза навлардан устун бўлган 3 та нав ва КНИИХС-70 намунаси танлаб олинган;

жаҳон генофонди намуналаридан кўп марта якка танлаш орқали танлаб олинган КНИИХС-70 намунаси асосида ҳосилдор, дон сифат кўрсаткичлари юқори, суғориладиган шароитга мос, қишга ва касалликларга бардошли тритикаленинг янги “Ниҳол” нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида коллекцион навларини ҳар тамонлама ўрганиб ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори бўлган навлар танлаб олинган ва улар орасида чатиштириш ўтказиш асосида янги дурагайлар яратилган;

дурагайларнинг F_1 - F_3 авлодларда ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, битта бошоқдаги дон сони, 1000 дона дон сони бўйича доминантлик ва ирсийланиш даражаси, ўзгарувчанлик кўлами ижобий кўрсаткичларга эга бўлган дурагай комбинациялар танлаб олинган;

нав ва намуналарнинг назорат ва рақобатли нав синаш кўчатзорларида вегетация даври, ташқи муҳит омилларига бардошлиги, биометрик кўрсаткичлар, ҳосилдорлик ҳамда доннинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлганлари танлаб олинган ҳамда селекция жараёнларига бирламчи материаллар сифати фойдаланиш учун тавсия этилган.

тритикаленинг КНИИХС-70 намунаси асосида янги яратилган ҳосилдор, дон сифат кўрсаткичлари юқори, суғориладиган шароитга мос, қишга ва касалликларга бардошли “Ниҳол” нави 2026 йилдан Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича

суғориладиган ераларда асосий муддатларда экиш учун тавсия этилган ва Қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрида истиқболли навлар рўйхатига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тажрибанинг бирламчи ҳужжатлари мавжудлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мослиги, илмий-тадқиқот ишлари математик таҳлил қилинганлиги, ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори бўлган нав намуналаридан оддий чатиштириш йўли билан олинган дурагайларнинг ота-она шакллари белгиларининг ирсийланиши тасдиқланганлиги, тадқиқот натижалари республика ҳамда халқаро миқёсида илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги олинган натижаларни ишончлилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дала шароитида маҳаллий ва дунё коллекцияси намуналари иштирокида чатиштириш ишлари амалга оширилиб, тритикаленинг ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичлари юқори, ётиб қолишга чидамли, касалликларга бардошли дурагай авлодлари яратилганлиги билан изоҳланади. F1-F3 авлодда ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, битта бошоқдаги дон сони ва 1000 дон дон вазни белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши ўрганилиб, доминантлик ва ирсийланиши юқори комбинациялар донор манба сифатида селекция ишларига тавсия этилди. Интродукцион навлар ва тизмаларнинг рақобат нав синовидаги дала унувчанлиги, фенологик ва биометрик кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги, дон сифати кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар келгусида тритикале селекциясида олиб бориладиган илмий изланишларга илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғориладиган майдонлар шароитида янги “Ниҳол” навининг андоза навларга нисбатан дон таркибидаги оксил миқдори 0,3-0,5% гача, клейковина миқдори 0,8-2,6% гача, ҳосилдорлиги 10 ц/га гача ортганлиги аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра тавсия этилган коллекцион навлар ишлаб чиқариш шароитида ҳам ўз потенциалини кўрсатди, илмий иш асосида ишлаб чиқилган тавсиянома фермер хўжаликлари ва чорва фермерлари учун кузги тритикале етиштиришда илмий кўрсатма сифатида муҳимдир. Олинган илмий натижалар суғориладиган майдонлар учун янги тритикале навлари базасини кенгайтириш, чорва ҳайвонларини сифатли озуқа билан таъминлаш шу билан бир қаторда бўлажак селекционерлар учун бошланғич манба сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кузги тритикаленинг ҳосилдорлиги ва дон сифат кўрсаткичлари юқори навларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

кузги тритикаленинг хорижий КНИИХС-70 намунасида яқка танлаш усули орқали янги “Ниҳол” нави яратилган ва мазкур нав Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, Фарғона илмий тажриба станциясида 1,2

гектар майдонда жорий этилган (*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 15 октябрдаги 05/05-03-430-сон малумотномаси*). Натижада, гектаридан 88,5 центнер дон ҳосили етиштирилиб, назорат сифатида экилган Сергей навига нисбатан 9,0-11,0 центнер юқори ҳосил олинган ҳолда, дон таркибидаги оқсил миқдори назоратга нисбатан 0,9-1,7 фоизгача, клейковина миқдори 1,1-1,4 фоизгача, доннинг шаффофлиги 6,0-9,0 фоизгача юқори бўлишига эришилган;

“Ниҳол” нави Наманган вилояти, Уйчи туманида жойлашган Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, Наманган илмий тажриба станциясида 1,0 гектар майдонда жорий этилган (*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 15 октябрдаги 05/05-03-430-сон малумотномаси*). Натижада, жорий этилган навдан 87,8 центнер дон ҳосили етиштирилиб, назорат Сергей навига нисбатан 7,0-8,0 ц/га юқори ҳосил олиш билан бирга, дон таркибидаги оқсил миқдори 0,5-0,6%, клейковина миқдори 2,0-3,0%, доннинг шаффофлиги 5,0-9,0% га юқори бўлишига ҳам эришилган;

“Ниҳол” нави Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Марказий тажриба даласида 1,2 гектар, Избоскан тумани, Охунбобоев массиви, “Темур Малик Ишончи” фермер хўжалигида 4,0 гектар ва “Камолиддин орзуси” фермер хўжалигида 3,0 гектар майдонда жорий этилган (*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 15 октябрдаги 05/05-03-430-сон малумотномаси*). Натижада, гектаридан ўртача 80,8-87,8 центнер дон ҳосили, шу жумладан 6,4-8,0 ц/га қўшимча ҳосил етиштирилган ва бу 1510,0-6875,0 минг сўм/га қўшимча даромад олишга ҳамда рентабеллик даражасини 30,6-38,5 фоизга ортишига имкон берган;

янги яратилган “Ниҳол” навининг Давлат нав синовини ташкил этиш ва экин майдонларини кенгайтириш учун етарли миқдорда наводор уруғликлар тайёрланган (*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 15 октябрдаги 05/05-03-430-сон малумотномаси*). Натижада, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Фарғона ва Наманган илмий тажриба станцияларида бирламчи уруғчиликни ҳамда Қишлоқ хўжалик экинлари нав синаш маркази участкаларида нав синовини ўтказиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, шундан 2 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда, республика ва халқаро конференцияларда 4 та мақола, шунингдек, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тритикале селекцияси соҳасида олиб борилган хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида кузги тритикале янги навларини яратишда бирламчи материалларни танлаш, дурагай авлодларда ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш, экологик нав синов кўчатзоридаги нав ва намуналарининг ўсиши ва ривожланиши, ҳосил элементларининг шаклланиши, ҳосилдорлик, дон сифати хусусиятлари бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлардан олинган натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган.

Ушбу боб якунида диссертация мавзуси юзасидан республикаимиз ва хорижий давлатлар олимларининг тритикале селекция соҳасида бажарилган илмий ишлар, ҳосилдорликни оширишда навнинг роли, тритикале ҳосилдорлигига салбий таъсир этувчи стресс омилларга чидамли навларни яратилиши ва унинг самараси, тритикале селекциясида бошланғич манбанинг роли, жаҳон тритикале коллекциялари, тритикаледа сифат кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Тажриба ўтказиладиган жой, тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот тизими ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган жойнинг географик ўрни ва тупроқ шароити, тажриба ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароити, тадқиқотларни ўтказиш усули ва услублари, тажриба даласида кузги тритикале нав ва намуналарининг парваришида қўлланилган агротехник тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти тасарруфидаги дунё генофонди коллекция намуналарида мавжуд тритикале намуналарининг ҳар томонлама баҳолаш натижалари ва ижобий натижа қайд этиб селекция кўчатзорига жалб этилган нав ва намуналарнинг селекция кўчатзоридagi фенологик кўрсаткичлари, биометрик ва дон технологик сифат кўрсаткичлари ҳамда ҳосилдорлик натижалари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тритикаленинг коллекцион нав ва намуналарининг қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида назорат кўчатзоридаги нав ва намуналар ниҳолларининг униб чиқиш даражаси, кўчат қалинлиги, ўсиши ва ривожланиши, умумий ва маҳсулдор поялар сони, нав ва намуналарнинг биометрик кўрсаткичлари, занг касалликларига бардошлилиги, совуққа ва ётиб қолишга чидамлилиги, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Нazorат нав синов кўчатзорида жами 27 та нав ва намуна андоза навларга нисбатан солиштириб ўрганилиб, андоза навлардан юқори кўрсаткич қайд этган 12 нав ва намуна рақобат нав синов кўчатзорига ўтказилган.

Диссертациянинг **“Тритикале дурагай авлодларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши”** деб номланган тўртинчи бобида жаҳон коллекция намуналари ҳамда маҳаллий нав ва тизмалар ўртасида ўтказилган дурагайлаш натижалари, ўзгарувчанлиги ва вариация даражалари тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Биринчи авлод дурагай ўсимликларда ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, битта бошоқдаги дон сони, 1000 дон дон вазни асосан гетерозис ҳолда, ирсийланганлиги кузатилган бўлса, Иккинчи авлод ирсийланиш даражаси таҳлилларига кўра, барча белгиларнинг ирсийланишида асосан ота-она генлари устуник қилганлиги аниқланди.

Иккинчи авлод ўсимликларида ўсимлик бўйи белгисининг ирсийланиш даражаси -0,04% дан 0,62% гача, ўзгарувчанлик коэффиценти 2,5-7,7% оралиғида; бошоқ узунлиги белгисининг ирсийланиш даражаси 0,08% дан 0,95% гача, ўзгарувчанлик коэффиценти 3,2-11,7% оралиғида; битта бошоқдаги дон сони белгисининг ирсийланиш даражаси 0,56% дан 0,82% гача, ўзгарувчанлик коэффиценти 2,2-7,7% оралиғида; 1000 дон дон вазни белгисининг ирсийланиш даражаси 0,44% дан 0,89% гача, ўзгарувчанлик коэффиценти 3,0-4,3% оралиғида бўлганлиги аниқланди.


Диссертациянинг **“Рақобат кўчатзоридаги тритикаленинг нав ва намуналарининг фенологик, биометрик, дон сифати ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари”** деб номланган бешинчи бобида ўрганиш натижасида вегетация даври давомийлиги КНИИСХ-70 (Ниҳол) намунаси 229 кун кунни ташкил этиб, андоза Ярило нави билан бир хил, Андоза Сергей навидан 3 кун аввал пишиб етилди, бошқа нав ва намуналарда 230-240 кун оралиғида бўлди.

Нав ва намуналар уруғларининг дала унувчанлиги таҳлилларига кўра, андоза Сергей нави ва 5 та линиянинг унувчанлик фоизи 85 дан юқори бўлди. Қишда нобуд бўлган ўсимликлар сони 4 та линияда 14% дан юқори бўлди.

Синов натижаларига кўра, андоза нав сифатида танланган Сергей ва Ярило навларида қишга чидамлилик 8 балл билан баҳоланиб, навлар қишқи шароитларга нисбатан жуда чидамли ҳисобланади. Синалаётган

интродукцион Сотник ва Брат навлари, КНИИСХ-6, КНИИСХ-70 (Нихол) намуналари ҳам андоза навлар каби 8 балл билан баҳоланиб, улар қишда совуқ ҳароратларга, қор ва кучли музга қаршилиқ кўрсата олади. Бу нав ва намуналардан қишга чидамли ва юқори ҳосил берадиган янги навлар яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур.

Тажрибадаги Ромес нави (7 балл), ПАССИ-8-60, ҲИППО-4, ва 100-597 (6 балл) намуналари ўртача қишга чидамликка эга. Улар қишқи шароитларга баён қилинган бошқа навларга қараганда камроқ чидамли, лекин улар ҳали ҳам мавжуд қиш даврига қарши туриш учун ишончлидир. Слосер-49 ва 118-156 намуналари паст даражада қишга чидамликка эга (5 балл). Бу намуналар қишдаги оғир шароитларда яшаб кетиши мумкин, лекин улар бошқа навларга қараганда қишга чидамсиз ва улар ҳароратнинг кескин ўзгаришларига ёки қаттиқ совуққа ёки қорга қарши жуда сезгир. Бу намуналар кўпинча қишнинг оғир шароитларида кўп зарар кўради (1-расм).



1-расм. Тритикале нав ва намуналарининг ташқи муҳит омилларига бардошлилиги (2022-2024 й)

Тажрибада ўрганилаётган КНИИСХ-6 ва КНИИСХ-70 (Нихол) намуналари 8 балл билан ўтиб қолишга юқори бардошли эканлиги малум бўлди. Бу намуналар қишқи шароитларда муваффақиятли ривожланишга ва муаммоларга кам дуч келиши билан ажралиб туради. Селекционерлар учун бу навлар, қишқи ва аномал шароитларига чидамли, ўтиб қолишга бардошли, ҳар хил экологик шароитларга мослашган навларни яратиш учун яхши асос бўлиши мумкин. Андоза нав сифатида олинган Сергей ва Ярило навлари, интродукцион нав сифатида синалаётган Ромес, Сотник, Брат навлари, ПАССИ-8-60, ҲИППО-4 намуналари 6 балл билан ўтиб қолишга ўртача бардошли бўлиб чиқди. Ўтиб қолиш билан боғлиқ муаммоларни

минималлаштириш мақсадида ушбу навлар билан ишлашда уларнинг мустаҳкамлигини оширишга қаратилган селекция ишларини амалга ошириш лозим. Слосер-49, 100-597, 118-156 намуналари 5 балл билан ётиб қолишга паст бардошли эканлиги қайд этилди.

Рақобатли нав синов кўчатзорида кузги тритикале нав ва намуналарининг биометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Бунда нав ва намуналарнинг 1 м² майдондаги маҳсулдор поялар сони таҳлил этилганида, андоза Сергей навида 292,9 дона ва яна бир андоза Ярило навида 291,5 донани ташкил этди. Нав ва намуналарнинг йиллар бўйича ўртача олинган натижалари 289,7 донадан 3074 донача бўлганлиги кузатилди.

Андоза навлар билан таққослаганда ўрганилаётган барча нав ва намуналарда уларга нисбатан юқори маҳсулдор поя сонини кўриш мумкин, фақат стандарт навларга нисбатан паст натижа қайд этган. Кўчатзорда маҳсулдор поя сони бўйича энг юқори натижа КНИИСХ-70 (Нихол) намунасида 307,4 дона билан кузатилиб, бу кўрсаткич андоза Сергей навидан 14,5 донага, андоза Ярило навидан 15,7 донага кўп бўлганлиги аниқланди. Бу натижалар, КНИИСХ-70 (Нихол) навининг маҳсулдор поя сони бўйича юқори самарадорлигини кўрсатди. Маҳсулдор поя сонининг юқори бўлиши, ўсимликнинг ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Намуналар орасида энг паст кўрсаткич Слосер-47 намунаси 289,7 дона маҳсулдор поя сони билан кузатилиб, андоза Сергей навидан 3,2 донага, андоза Ярило навидан 2,0 донага кам бўлганлиги аниқланди.


Бошоқли экинларда хусусан тритикаледа ўсимлик бўйи белгисининг аҳамияти катта. Сабаби, жуда кўплаб адабиётларда келтирилишича, тритикале бўйининг узун бўлиши унинг ётиб қолишга мойиллигини оширади ва шунинг баробарида ҳосилдорликни камайтишига олиб келади.

Тажрибадаги нав ва намуналарнинг ўсимлик бўйи белгиси ўлчов натижаларига кўра, энг юқори бўйи узунлиги Ромес навида 121,3 см бўлган бўлса, Ўртача бўйли нав ва намуналар: КНИИСХ-6, 100-597, КНИИСХ-70 (Нихол), Сотник, Брат, ПАССИ-8-60 110-117 см атрофида бўлди ва энг паст бўйи узунлиги ХИППО-4 намунасида 98,4 см ни ташкил этди.

Бошоқ узунлиги бошоқли экинларда муҳим морфологик белгилардан бири бўлиб, у ҳосилдорлик ва дон сифатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Бошоқ узунлиги бошоқдаги донлар сони ва битта бошоқдаги дон вазни билан боғлиқ бўлиб, ҳосилдорликка таъсир қилади. Масалан, бошоқ узунлиги ва бошоқчалар сони ўртасида ижобий корреляция мавжудлиги аниқланган. Баъзи тадқиқотларда бошоқ узунлиги ва бошоқдаги донлар сони ўртасида ижобий корреляция мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, бошоқ узунлиги бошоқдаги донлар сони ва вазни билан боғлиқ бўлиб, ҳосилдорлик ва дон сифатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Битта бошоқдаги дон вазни белгисига кўра нав ва намуналарда ўлчов ишлари амалга оширилганида қуйидаги натижалар олинди. Андоза сифатида олинган Сергей навида битта бошоқдаги дон вазни 3,0 гр, андоза Ярило навида эса 3,1 гр ни ташкил этди. Ушбу белги бўйича барча нав ва намуналарнинг ўртача кўрсаткичи 2,8 гр дан 3,5 гр гача бўлган ораликда

бўлди. Битта бошоқдаги дон вазни белгиси андоза нав сифатида танланган навлар ҳамда интродукцион нав сифатида синовдан ўтаётган навларда 3,0 гр дан юқори натижа кузатилган бўлса, СИММУТ ташкилотидан келтирилган намуналарда бу белги бўйича кўрсаткич 3,0 гр гача бўлган натижа қайд этди (2-расм).



2-расм. Тритикале нав ва намуналарининг рақобат кўчатзоридаги биометрик кўрсаткичлари (2022-2024 йй.)

Ўлчов ва санок ишлари ўтказилётган биометрик кўрсаткичлар орасида навнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган ҳосилдорликка ўзининг юқори тасирини ўтказувчи белгиси 1000 дон дон вазни ҳисобланади. Адабиётлар шарҳи шуни кўрсатдики, тритикале навларида 1000 дон дон вазни буғдой ва жавдарга қараганда юқори бўлиши тритикале селекциясида олиб борилган тадқиқотларда ўз исботини топган ва бизнинг тажрибамизда ҳам бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Рақобатли нав синов кўчатзоридаги нав ва намуналарнинг 1000 дон дон вазни 41,5 гр дан 46,3 гр гача бўлганлиги аниқланди. Андоза Сергей навининг 1000 дон дон вазни 44,3 гр, андоза Ярило навининг 1000 дон дон вазни 43,3 гр ни ташкил этди. 1000 дон дон вазни белгиси битта бошоқдаги дон сони энг юқори бўлган КНИИСХ-70 (Нихол) намунасида 46,3 гр кўрсаткич билан энг юқори натижа кўрсатди. Бу иккита белги ўртасида ижобий боғлиқлик борлигини исботлайди. Андоза Сергей навидан ташқари

интродукцион Ромес нави ва КНИИСХ-6 намунаси 44,0 гр дан баланд натижа кўрсатганлиги ўлчов натижаларига кўра аниқланди. Қолган аксарият нав ва намуналарда 1000 дон дон вазни 42,0-44,0 гр оралигида бўлганлигини жадвал малумотларидан билиб олиш мумкин.

2022-2024 йиллар мобайнида тажрибада ўрганилган нав ва намуналар донининг технологик сифат кўрсаткичлари лаборатория шароитида таҳлил қилинганда қуйидагича натижалар олинди: Кўчатзордаги нав ва намуналарнинг дони таркибидаги оксил миқдори лаборатория шароитида аниқланганида 13,3% дан 15,8% гача бўлганлиги кузатилган.

Андоза Сергей нави дони таркибида оксил миқдори 14,2% ни, андоза Ярило нави дони таркибида оксил миқдори 14,3% ни ташкил этди. Нав ва намуналар орасида энг юқори натижа КНИИСХ-70 (Нихол) намунасида 15,8% ни қайд этиб, андоза Сергей навидан 1,6% га, андоза Ярило навидан 1,5% га юқори бўлди. Нав ва намуналар орасида энг паст натижа ХИППО-4 намунасида 13,3% ни қайд этиб, андоза Сергей навидан 0,9% га, андоза Ярило навидан 1,0% га кам бўлди. Тажрибада интродукцион нав сифатида ўрганилаётган Сотник нави донида оксил миқдори 14,7% ни, Ромес навида 14,6% ни, Брат навида 14,5% ни ташкил этиб, бу натижалар мос равишда андоза Сергей навидан 0,5%, 0,4% ва 0,3% га, андоза Ярило навидан эса 0,4%, 0,3% ва 0,2% га юқори бўлди.

Бошоқли экинлар донидан тайёрланувчи уннинг нонбоплик кўрсакичларини белгиловчи омил клейковина миқдори ҳисобланади. Тажрибадаги нав ва намуналарнинг дони таркибидаги клейковина миқдори таҳлилига кўра, андоза Сергей навида 23,6% ни, андоза Ярило навида 23,4% ни ташкил этди. Дон таркибидаги клейковина миқдори КНИИСХ-70 (Нихол) намунасида 24,8% ни, КНИИСХ-6 намунасида 24,1% ни, Ромес навида 24,0% ни, 100-597 намунасида 23,9% ни, Слосер-49 намунасида 23,1% ни, Сотник навида 23,0% ни, Брат навида 23,2% ни, 118-156 намунасида 22,8% ни, ХИППО-4 намунасида 22,5% ни ва ПАССИ-8-60 намунасида 22,2% ни ташкил этди.

Тажрибадаги нав ва намуналарнинг дон натура кўрсаткичи лаборатория шароитида ўрганилганида андоза Сергей навида 750,4 г/л ни, андоза Ярило навида 749,2 г/л ни ташкил этди. Бу кўрсаткич КНИИСХ-70 (Нихол) намунасида 787,7 г/л ни, КНИИСХ-6 намунасида 738,8 г/л ни, Ромес навида 736,3 г/л ни, 100-597 намунасида 730,5 г/л ни, Слосер-49 намунасида 748,7 г/л ни, Сотник навида 778,6 г/л ни, Брат навида 775,7 г/л ни, 118-156 намунасида 747,7 г/л ни, ХИППО-4 намунасида 772,8 г/л ни ва 754,5 г/л ни ташкил этди.

Доннинг шаффофлиги тажрибадаги нав ва намуналарда таҳлил этилганида, 56,9% дан 60,2% гача кўрсаткичда бўлди. Андоза Сергей нави донининг шаффофлиги 57,4%, андоза Ярило нави донининг шаффофлиги 59,3% ни ташкил этди. Ўрганилаётган Ромес нави донининг шаффофлиги 56,9%, Сотник нави донининг шаффофлиги 57,1%, Брат навида 58,2%, КНИИСХ-6 намунасида 59,1%, КНИИСХ-70 (Нихол) намунасида 60,2%, ПАССИ-8-60 намунасида 57,8%, ХИППО-4 намунасида 58,8%, Слосер-49

намунасида 57,7%, 100-567 намунасида 57,5% ва 118-156 намунасида 58,6% ни қайд этганлиги лаборатория шароитида аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Тритикале нав ва намуналарининг рақобат кўчатзоридаги донининг сифат кўрсаткичлари (2022-2024 й)

№	Нав ва намуналар номи	Оқсил миқдори, %	Клейковина миқдори, %	Дон натураси, г/л	Шаф-фоф-лиги, %	Намлиги, %
1	Сергий (андоза)	14,2	23,6	750,4	57,4	12,8
2	Ярило (андоза)	14,3	23,4	749,2	59,3	13,1
3	Ромес	14,6	24,0	736,3	56,9	12,7
4	Сотник	14,7	23,0	778,6	57,1	12,4
5	Брат	14,5	23,2	775,7	58,2	12,3
6	КНИИСХ-6	15,1	24,1	738,8	59,1	12,8
7	КНИИСХ-70 (Нихол)	15,8	24,8	787,7	60,2	12,9
8	ПАССИ-8-60	13,9	22,2	754,5	57,8	12,7
9	ХИППО-4	13,3	22,5	772,8	58,8	12,4
10	Слосер-49	13,8	23,1	748,7	57,7	12,8
11	100-597	14,2	23,9	730,5	57,5	12,7
12	118-156	14,3	22,8	747,7	58,6	12,7

Доннинг намлиги илмий ишдаги нав ва намуналарда лаборатория шароитида ўрганилганида, Андоза Сергий ва Ярило навларида мос равишда 12,8% ва 13,1% ни ташкил этди. Ўрганилаётган нав ва намуналарда дон намлиги бир-бирига жуда яқин бўлиб, 12,3% дан 12,9% гача қийматни кўрсатди. Ҳосилдорлик нафақат тритикале селекциясида балки, барча қишлоқ хўжалик экинларида янги навларни яратишда асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Чунки, ҳар қандай экин сингари тритикаленинг янги навларини яратишда ҳосилдорликни юқори бўлиши энг муҳим мақсад ҳисобланади.

Тажрибадаги нав ва намуналарнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари йиллар бўйича ўртача ҳисобда аниқланди. Ҳисоб китобларга кўра, андоза Сергий навининг ўртача ҳосилдорлиги 80,6 ц/га ни, андоза Ярило навиники эса 82,4 ц/га ни ташкил этди.

Кўчатзорда ўрганилаётган нав ва намуналар орасида энг юқори ҳосилдорлик КНИИСХ-70 (Нихол) намунасида 93,3 ц/га натижа билан кузатилиб, бу кўрсаткич андоза Сергий ва Ярило навларидан мос равишда 13,3 ц/га ва 11,5 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди. Тажрибадаги нав ва намуналарнинг кўрсаткичлари андоза навларга нисбатан таққослаб ўрганилганлиги боис энг кам ҳосилдорлик ҳам аниқланди ва бу 118-156 намунасида 75,9 ц/га ҳосил билан кузатилди ҳамда андоза Сергий навидан - 4,7 ц/га, андоза Ярило навидан -6,5 ц/га кам бўлди (2-жадвал).

**Тритикале нав ва намуналарининг рақобат кўчатзоридаги
ҳосилдорлиги, ц/га (2022-2024 йй)**

№	Нав ва намуналар номи	Йиллар			Ўртача ҳосил, ц/га	Андоза Сергей навидан фарқи	Андоза Ярило навидан фарқи
		2022	2023	2024			
1	Сергий Ст	80,2	79,8	81,7	80,6	-	-1,8
2	Ярило Ст	81,5	85,1	80,5	82,4	1,8	-
3	Ромес	82,7	86,3	85,7	84,9	4,3	2,5
4	Сотник	85,4	80,2	88,2	84,6	4,0	2,2
5	Брат	85,6	80,8	77,9	81,4	0,8	-1,0
6	КНИИСХ-6	86,5	85,9	83,8	85,4	4,8	3,0
7	КНИИСХ-70 (Нихол)	91,4	96,7	93,6	93,9	13,3	11,5
8	ПАССИ-8-60	73,5	85,5	77,4	78,8	-1,8	-3,6
9	ҲИППО-4	78,1	82,4	74,5	78,3	-2,3	-4,1
10	Слосер-49	74,9	79,4	82,6	79,0	-1,6	-3,4
11	100-597	84,7	82,5	86,7	84,6	4,0	2,2
12	118-156	78,8	72,1	76,9	75,9	-4,7	-6,5
Sx		0,82	0,74	0,69			
Sd		1,16	1,05	0,98			
ЭЖФ₀₅		2,4	2,2	2,0			

Ҳосилдорлик кўрсаткичи ўрганилаётган Ромес навида 84,9 ц/га ни, Сотник навида 84,6 ц/га ни, Брат навида 81,4 ц/га ни, КНИИСХ-6 намунасида 85,4 ц/га ни, КНИИСХ-70 (Нихол) намунасида 93,9 ц/га ни, ПАССИ-8-60 намунасида 78,8 ц/га ни, ҲИППО-4 намунасида 78,3 ц/га ни, Слосер-49 намунасида 79,0 ц/га ни, 100-597 намунасида 84,6 ц/га ни ва 118-156 намунасида 75,9 ц/га ни қайд этди.

Диссертациянинг “Селекциянинг рақобат кўчатзоридаги кузги тритикале нав ва намуналарининг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган олтинчи бобида кузги тритикале нав ва намуналари уруғларини экиб етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Иқтисодий самарадорлик натижаларига асосланган ҳолда, 1 гектар майдондан 100-597 намунадан 6 млн 177 минг сўм соф фойда олинган, рентабеллик даражаси 43,7%, КНИИСХ-6 линиясидан 6 млн 394 минг сўм соф фойда олинган, рентабеллик даражаси 45,3%, сотник навидан 6 млн 177 минг сўм соф фойда олинган, рентабеллик даражаси 43,7%, КНИИСХ-70 (Нихол) намунадан 7 млн 707 минг сўм, рентабеллик даражаси 52,0% ни ташкил этган.

ХУЛОСАЛАР

Тритикале селекцияси учун бошланғич манбалар яратиш, коллекцион нав ва намуналарни танлаш ва жорий этиш бўйича мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, қуйидаги хулоса ва таклифлар тақдим этилади:

1. ДДЭИТИ коллекциясида мавжуд бўлган 185 нав ва намуналардан эртапишарлик, ҳосилдорлик ва ётиб қолишга бардошлилик кўрсаткичлари бўйича юқори натижа қайд этган 50 таси амалий селекцияда фойдаланиш учун танлаб олинди.

2. ДДЭИТИ коллекциясида мавжуд бўлган турли экологик-географик гуруҳларга мансуб тритикале нав ва намуналарда ўзаро чаतिштириш асосида яратилган дурагайларда Ўсимлик бўйи белгисининг F_1 авлодда доминантлик даражаси ўрганилганида, 7 та комбинацияда гетерозис, 1 та комбинацияда юқори доминантлик, 6 та комбинацияда кучсиз ва 1 та комбинацияда манфий ўртача доминантлик кузатилди. F_2 авлодда ирсийланиш даражаси тахлили 0,04% дан 0,62% гача бўлган қийматни ташкил этиб, вариация коэффиценти иккинчи авлодда 2,5-7,7%, F_3 авлодда 2,0-9,7% ни қайд этди.

3. Тритикаленинг 27 та интродукцион нав ва намуналари назорат кўчатзорида қимматли хўжалик белгилари ва қишга, ётиб қолишга чидамлилиқ, касалликларга бардошлилик кўрсаткичлари бўйича баҳоланиб, андоза навларга нисбатан энг яхши натижа қайд этган 12 та нав ва намуналар танлаб олиниб, рақобат кўчатзорига жалб этилиб, ўрганилди.

4. Рақобат кўчатзоридagi нав ва намуналарнинг вегетация даври давомийлиги 230-240 кунни ташкил этди. КНИИСХ-70 намунасининг вегетация даври 229 кунни ташкил этиб, андоза нав Ярило нави билан бир хил, Андоза Сергей навидан 3 кун аввал пишиб етилди.

5. Дала шароитида уруғларнинг унувчанлиги Ромес навида 86,7%, КНИИСХ-6 намунасида 87,5%, КНИИСХ-70 намунасида 88,9%, 100-597 намунасида 86,3% ва 118-156 намунасида 87,4% ни қайд этиб, андоза навлардан юқори натижа кўрсатганлиги аниқланди.

6. Дала шароитида Ромес нави, КНИИСХ-6, КНИИСХ-70, Слосер-49 ва 118-156 намуналарида сариқ занг билан касалланиш ҳолати кузатилмади. Сотник, Брат навлари КНИИСХ-6, КНИИСХ-70 намуналари қишга чидамлилиқ бўйича 8 балл билан андоза навлар билан тенг натижа қайд этган бўлса, Слосер-49 ва 118-156 намуналари 5 балл натижа кўрсатди.

7. Кузги тритикаленинг рақобат кўчатзоридa ўрганилган 12 нав ва намуналарнинг аксариятининг дони таркибидаги оқсил миқдори андоза навлардан юқори эканлиги аниқланди ва ушбу нав ва намуналар орасида Брат нави 14,5%, Сотник нави 14,6%, Ромес нави 14,7%, КНИИСХ-6 намунасида 15,1%, КНИИСХ-70 намунасида 15,8% эканлиги лаборатория шароитида аниқланди.

8. Кузги тритикаленинг маҳсулдорлик ва дон сифат кўрсаткичлари юқори, ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари (қишга, ётиб қолишга)га ва сариқ занг касаллигига дала шароитида чидамли, ҳосилдор Ниҳол (КНИИСХ-70) нави Давлат нав синовига топширилди.

9. Кузги тритикаленинг Брат, Сотник, Ромес навлари ва КНИИСХ-6 ҳамда КНИИСХ-70 намуналарини дон сифати кучли тритикале навларини яратишда фойдаланиш учун амалий селекция жараёнига тавсия этилади.

10. Кузги тритикаленинг янги яратилган Нихол (КНИИСХ-70) нави Фарғона водийсининг барча суғориладиган минтақаларида асосий муддатда экиш учун тавсия этилади.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.08/2025.27.12.Qx.02.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗЕРНА И
ЗЕРНОБОБОВЫХ КУЛЬТУР**

ХАМДАМОВА БАРНО ТАЖИДИН КИЗИ

**СОЗДАНИЕ ИСХОДНОГО МАТЕРИАЛА ДЛЯ СЕЛЕКЦИИ
ТРИТИКАЛЕ, ОТБОР ИЗ КОЛЛЕКЦИОННЫХ
СОРТООБРАЗЦОВ И ВНЕДРЕНИЕ**

06.01.05-Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2026

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан под номером B2024.4.PhD/Qx1520.

Докторская диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте зерна и зернобобовых культур.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и на Информационно образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Эгамов Илхомжон Ураимжонович

доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Жураев Сирожиддин Турдикулович

доктор биологических наук, профессор

Зиядуллаев Зоҳиджон Файзуллаевич

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт богарного земледелия

Защита диссертации состоится 20 августа 2026 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.08/2025.27.12.Qx.02.01 при Ташкентском государственном аграрном университете. (Адрес: 111218, Ташкентская область, Кибрайский район, улица Университетская, дом 2, Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; E-mail: tuag_info@edu.uz Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 2-й этаж, малый зал заседание).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под № 556756). Адрес: 111218, Ташкентская область, Кибрайский район, улица Университетская, дом 2, здание Информационно-ресурсного центра Ташкентского государственного аграрного университета. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан 4 августа 2026 года.

(Протокол реестра рассылки № 21 от 4 августа 2026 года).



С.Г.Бобоев

Председатель ученого совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

А.А. Курбонов

учёный секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней д.ф.с.х.н., доцент

А.А.Иминов

Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день тритикале рассматривается как одна из перспективных культур будущего. Согласно данным FAOSTAT, «в настоящее время более чем в 60 странах мира тритикале ежегодно возделывается на площади около 4,9 млн гектаров, а валовое производство зерна превышает 13,5 млн тонн. Крупнейшим производителем тритикале в мире является Польша, где валовой сбор достигает 5,2 млн тонн, что составляет около 31% от общего мирового производства данной культуры»¹. В целом, Польша, Германия, Франция, Беларусь и Испания занимают ведущие позиции в мире по производству тритикале, однако производство высокого урожая зерна в расчёте на гектар приходится на долю Китая и Турции. Согласно статистическим данным, «в 2023 году мировое производство тритикале увеличилось на 2,64 % по сравнению с 2020 годом»². Это свидетельствует о стабильном росте спроса населения мира на продукцию, изготовленную из зерна тритикале. Поэтому создание новых поколений урожайных сортов тритикале с высокими показателями качества зерна, внедрение их в производство, а также подбор сортов, подходящих для каждого региона, являются одной из актуальных проблем для учёных-селекционеров на сегодняшний день.

Несмотря на значительные достижения мировой науки и практики в области зерноводства, проблема полного удовлетворения потребностей населения мира и сельскохозяйственных животных в зерновой продукции по-прежнему остаётся актуальной. Согласно данным ФАО, «в сезоне 2024-2025 годов мировой спрос на зерновую продукцию увеличился на 1,2 млн тонн, или на 0,4 % по сравнению с предыдущим годом»³. В условиях постоянного роста численности населения и потребностей пищевой промышленности одним из рациональных путей удовлетворения данного спроса наряду с пшеницей является использование зерна тритикале. Это обуславливает необходимость расширения посевных площадей данной культуры, увеличения производства высокоурожайных сортов, а также дальнейшего развития научных исследований в этом направлении. С этой точки зрения особое значение приобретает проведение широкомасштабных исследований, направленных на создание и внедрение новых сортов тритикале, устойчивых к различным абиотическим факторам, обладающих высокой урожайностью и хорошими показателями качества зерна.

В последние годы, проводимые в республике позитивные реформы в сфере сельского хозяйства способствовали определённому расширению площадей возделывания тритикале. В настоящее время тритикале выращивается на 12 тыс. гектаров орошаемых земель и на 15 тыс. гектаров богарных земель, при этом средняя урожайность составляет соответственно

¹ <https://www.fao.org>

² <https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru>

³ <https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru>

55-60 ц/га на орошаемых и 10-12 ц/га и более на богарных землях. В Указе Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»⁴ предусмотрен ряд задач для работников аграрной отрасли, в том числе «пересмотр порядка размещения сельскохозяйственных культур и применение ресурсосберегающих технологий их возделывания». В связи с этим, важное значение приобретает расширение масштабов научных исследований в данном направлении.

Данное диссертационное исследование в определённой степени направлено на реализацию задач, определённых в нормативно-правовых актах, в частности в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»⁵, в Постановлении Президента от 7 июня 2022 года № РП-273 «О дополнительных мерах по эффективной организации исполнения задач, определённых в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»⁶, в Постановлении Президента от 24 июня 2024 года № РП-233 «О мерах по созданию устойчивой к изменению климата агроэкосистемы и повышению адаптивности производителей сельскохозяйственной продукции к рискам, связанным с изменением климата»⁷, а также в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и техники Республики. Данное диссертационное исследование выполнена в рамках приоритетного направления V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

